

Абу-л-Муин Насафий юртимиздан етишиб чиккан буюк мутакаллимлардан бўлиб, у кадимий шаҳарларимиздан Самаркандда Абу Мансур Мотуридий асос солган қарор топган мотуридия таълимотининг дунёда кенг миқёсда тарқалишида муҳим роль ўйнаган аллома ҳисобланади. Насафий хакида маълумот келтирилган манбаларда унинг куйидаги китоблари зикр этилади[1]: “Шарх ал-жомеъи-л-кабир ли-ш-Шайбоний” (“Шайбонийнинг “Ал-Жомеъ ал-кабир” асарига шарх”), “Ал-ъумда фи усули-д-дин” (“Дин усуллари илми асослари”), “Изоҳу-л-манҳаж ли кавни-л-акли хужжатар” (“Ақлнинг хужжат эканлиги тўғрисидаги далилларни ёритиш”), “Манохижу-л-аиммати фи-л-фуруъ” (“Фаръий масалаларда имомларнинг йўналишлари”)[2]. “Табсирату-л-адилла”, “Ат-Тамхид ли кавоиди-т-тавхид”, “Баҳру-л-калом”, “Тасаййуду-л-кавоид фи илми-л-ақоид” (“Калом илмида қоидаларни овламок”), “Ал-Ифсод ли-ҳадди-л-илҳод” (“Қофирлик найрангларини йўққа чиқариш”).

Ҳозирги маълумотларга кўра бу асарлардан “Табсира”, “Тамхид” ва “Баҳру-л-калом”дан бошқалари бизгача етиб келмаган, деб ҳисобланади. Биз куйида ушбу асарлардан “Тамхид” хусусида тўхталмоқчимиз.

Тўлиғича “Ат-Тамхид ли кавоиди-т-тавхид” (“Тавхид қоидаларига муқаддима”) номи билан аталган асар дин асослари хакида фикр юритади. У “Табсира” китобининг мухтасар, мўъжаз шакли, ёки бошқача айтганда, унинг муфасссал фихристи кабирдир. Чунки бу асарда “Табсира”нинг боблари ва фасллари айнан такрорланган[3]. Насафий ҳар бир масалани кўриб чиққандан кейин ўша масалани ўзининг “Тамхид”ида мухтасар ҳолда баён қилганини сезиб, шундай дейди: “Мана бу масала бўйича гап ва далиллар қўп. Уларнинг баъзилари “Табсирату-л-адилла”да зикр қилинган. Бинобарин, ушбу “Тамхид” номи китобимизда фақат унинг зикрини мухтасар қилганмиз”[4]. Шунга қарамайдан, “Тамхид”нинг қиммати “Табсира”дан кам эмас. Чунки бу китоб ақидавий масалаларга чуқур қиришмасдан, фақат аҳлу-с-сунна ва-л-жамоанинг қарашлари хакида тез ва қулай маълумот олишни хоҳлаган кишилар учун муҳим манба ҳисобланади. “Тамхид” асарини илк бор 1986 йил араб олими Жибуллоҳ Ҳасан Аҳмад Мисрининг “Дору-л-табиъати-л-Мухаммадия” нашриётида чоп эттирди. Умумий ҳажми 33 бобдан иборат асарнинг дунёдаги турли мамлакатлари кўлёзмалар фондида 15 дан ортиқ нодир нусхаси сақланаётгани маълум[5]. Уларнинг аксарияти Туркия қутубхоналаридадир: 1. Atif Efendi қутубхонасида сақланаётган 719/1320 йилда кўчирилган, умумий ҳажми 181 ғарам бўлган 1282 рақамли ҳамда 684/1285 йилда кўчирилган 117 ғарамдан иборат 1221 рақамли кўлёзма. 2. Üniversite қутубхонасида сақланаётган 534/1140 йилда кўчирилган, 53 ғарамдан иборат 268 рақамли кўлёзма. 3. Bayezid қутубхонасида сақланаётган 710/1311 йилда кўчирилган 158 ғарамдан иборат 3078 рақамли кўлёзма. 4. III Ahmed қутубхонасида сақланаётган 1866 рақамли кўлёзма. Ушбу кўлёзма 24 ғарамдан иборат бўлиб, кўчирилган санаси номаълум[6]. 5. Hamidiye қутубхонасидаги 722 рақамли жами 81 ғарамдан иборат нусханинг кўчирилган йили ва ҳаттоти номаълум. 6. Fatih

кутубхонаси сакланаётган 61 варакдан иборат 3084/I ракамли кўлёзма 687/1288 йил Мухаммад ибн Ахмад томонидан кўчирилган. 7. Şehid Ali Paşa кутубхонасида сакланаётган 1579 ракамли 99 варакдан иборат кўлёзма 1201/1787 йил Абдулрахим Мухаммад томонидан кўчирилган. 8. Karazelebizade кутубхонасида сакланаётган 347/5 ракамли 44 варакдан иборат кўлёзма Мухаммад ибн Али томонидан 702/1303 йил кўчирилган.

Мисрнинг машхур “Дору-л-кутуби-л-мисрийа” кутубхонасида мазкур асарнинг 41 ракам остида сакланаётган 735/1335 йил Бухорода хаттот Абу-л-Косим Салох ибн Жубайр томонидан кўчирилган кўлёзма, Б 22991 ракам остидаги 783/1379 йил Мухаммад ибн Мухаммад Шахир томонидан кўчирилган кўлёзма ҳамда 172 ракамли Йусуф Ахмад Адхам Ханафий томонидан 874/1470 йил Кохирада кўчирилган кўлёзмадан иборат учта нодир нусхаси мавжуд.

Шунингдек, “Тамхид”нинг тўртта нусхаси ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институти кўлёзмалар фондида мавжуд: 1. 177/IV ракамли 47 варакдан иборат кўлёзма насх хатида 672/1274 йил номаълум хаттот томонидан кўчирилган. Китоб яхши сакланган. Таякиси чармдан. Вараклари сарик шарк коғозидан бўлиб, хар бир бети пойгирланган. Фасллар кизил сиёҳ билан ажратилган. Асарнинг ушбу кисмида кабр азоби[7], хидоят ва залолат[8], казо ва кадар[9], афъолу-л-ибод[10] (бандаларнинг амаллари), ризк, мутавалладот[11] (инсон болалари) ва иститоат[12] каби каломий масалалар ёритилган. 2. 8221/I раками остидаги 41 варакдан иборат кўлёзмани 1181/1768 йил Ёдгор Мирзо Курбон Бухорода насх хатида кўчирган. Нусха пойгирланган. Калин шарк коғозига ёзилган. Хар бетда 19 катордан битилган. Китобнинг бошланишидаги 7 бетда доғлар пайдо бўлган. Муаллиф наздидаги айрим муҳим сўз ва жумлалар кизил сиёҳ билан ажратилган. Мазкур кисмда шиа ахлидан бир жамоанинг хамр ва лавотани халол санаганлиги кескин кораланган[13]. 3. 3185/V ракамли кўлёзма жами 18 варакдан иборат. У 739/1339 йил настаъллик хатида сарик шарк коғозига кўчирилган. Хаттоти номаълум. Мукова ва таякиси чармдан. Хар бетда 15 катордан. Биринчи бети бошка, афтидан, кейин кўчирилиб, кўшилган. Асосан, имон, шафоат, имомат ва азобу-л-кабр (кабр азоби) фаслларини камраган. 4. 2521 ракамли кўлёзма 47 варакдан иборат. Кўчирилган санаси ва хаттоти номаълум. Юпка шарк коғозига ёзилган. Хар бетда 15 катор бор. Биринчи бетнинг муковаси ажралган. Пойгирланган. Мукова ва таякиси чармдан. Бу кўлёзма нусхада ҳам баъзи жумлалар кизил сиёҳ билан ажратилган.

“Тамхид” хажм жихатидан “Табсира”дан кичик, шунинг билан бирга, фаслларини айнан такрорлагани боис, мазкур асар “Табсира”нинг “Чўнтакбоп шакли” номини олган[14].

Асарнинг кўплаб нусхаларига эғалиги, шунингдек, Хусаний ибн Али Сифнокий (ваф. 710/1310) каби олимлар томонидан ёзилган бир канча шархларга[15] ҳам эғалиги унинг калом илми тарихи, ривожланиш боскичларини ўрганиш ҳамда аксар адашган фиркаларга ўринли раддиялар бериш борасида кимматли манба эканлигини кўрсатади.

Хулоса килиб айтганда, ёшларни турли диний-сиёсий окимларнинг бузгунчи гоёларидан асраш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда Абу-л-Муин Насафий

илмий-маънавий мероси муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Президентимиз айтганларидек, “Гояга қарши гоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан қурашиш”да аждодларимиз ҳаёт йўллари ва асарларининг роли бекиёсдир. Айниқса, Абу-л-Муин Насафий асарлари ақидавий масалалар чуқур илмий таҳлили ва ҳанафий мазҳабидаги мотуридия таълимотига ҳос ечими билан юртимиздаги барқарор тинчлик, шу билан бирга четдан кириб келаётган турли “гоя”ларга раддиялар беришда алоҳида ўрин эгаллайди.

[1] Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-бахия. –Б. 90; Броккелман. Ж. 1. –Б. 547; Доирату-л-маорифи-л-исломия. Инглизча нашри. –Б. 414-415; Бағдодий. Изоҳу-л-макнун. Ж. 1. –Б. 156 ва Ж. 2. –Б. 563; Бағдодий. Ҳадяту-л-орифин. Ж. 2. –Б. 487; Қураший. Ал-Жавохиру-л-музия. –Б. 189; Қутлубуга. Тоҷу-т-тарожим. –Б. 58; Ҳожи Ҳалифа. Қашфу-з-зунун. –Б. 225, 337, 484, 570, 1845; Умар Ризо Қахҳола. Муъжаму-л-муаллифин. Ж. 12. –Б. 66; Муъжаму-л-матбуъоти-л-арабия ва-л-муарраба. Ж. 4. –Б. 1854; Зириклий. Ал-Аълом. Ж. 8. –Б. 301.

[2] Тўликрок маълумот олиш учун қаранг: Окилов С. Абу-л-Муин Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти. –Б. 74-78.

[3] Насафий. Тамхид. Муқаддима. –Б. 1; Абу-л-Муъин Насафий. Ат-Тамхид ли-қавоиди-т-тавхид (Тавхид қоидаларига муқаддима). Элмурод ҳожи Ҳолмурод ҳожи ўғли таржимаси. –Т.: Мовароуннаҳр, 2006. –Б. 96.

[4] Насафий. Тамхид. –Б. 69.

[5] Қаранг: Окилов С. Абу-л-Муъин ан-Насафий илмий мерооסי ва мотуридийа таълимоти. –Б. 64-66.

[6] Язичиўғли М. Maturidi kelam ekolu'nun iki buyuk simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l-Mu'in Nesefi // Ankara universitesi basimevi. –Ankara, 1985. –Б. 253.

[7] ЎзФА Асосий кўлёзмалар фонди. № 177-III ракамли кўлёзма. –В. 190 а.

[8] Ўша манба. –В. 187 б.

[9] Ўша манба. –В. 187 а.

[10] Ўша манба. –В. 184 а.

[11] Ўша манба. –В. 183 а.

[12] Ўша манба. –В. 175 а.

[13] ЎзФА Асосий кўлёзмалар фонди. № 8221 ракамли кўлёзма. –В. 35.

[14] Насафий. Табсира. Ж I. Ebu'l Muon Nesefo ve Tebsiratъ'l-edille. –Б. 12.

[15] Сигнакийнинг “ат-Тасдид” асари хакида “Табсира”нинг Туркиянинг Фотих кутубхонасида 2907 раками билан сақланаётган кўлёзма нусхасида маълумот берилган: Табсирату-л-адилла. Кўлёзма. –Истанбул: Фотих кутубхонаси. Инв.2907. –В. 1 а-1^б.